

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
миллий агентлиги директори

Д.Р. Ли

2025 йил “___” декабрь

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2026 йил I-ярим йиллиги учун
ИШ РЕЖАСИ

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Капитал бозорини ривожлантириш соҳасида				
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги “Капитал бозорида инвестиция муҳитини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-254-сон Фармони ижросини таъминлаш чораларини кўриш.	Комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар	2026 йил январь	С.Худайбердиев
2.	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг “Инвестицион платформалар соҳасида “Тартибга солиш кумдони” махсус ҳуқуқий режимини тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи лойиҳасини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш.	Ташкилий-амалий чора-тадбирлар	2026 йил январь	С.Худайбердиев
3.	Ўзбекистон Республикасининг “Капитал бозори тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатасига киритишни таъминлашга қаратилган чораларини кўриш.	Комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар	2026 йил март	С.Худайбердиев
4.	Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	С.Худайбердиев Т.Матчанов
5.	Қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг ишлатиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш учун жавобгарлик чораларини жорий этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима миқдорини оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	С.Худайбердиев Т.Матчанов

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	Корпоратив бошқарув кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда: – корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилашни; – акциядорлик жамиятлари фаолиятининг кўлами, тармоқ хусусиятлари ва йўналишларини иноватга олган ҳолда, намунавий ташкилий тузилмани жорий қилишни; – акциядорлик жамиятлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш, улар томонидан халқаро аудит ва молиявий ҳисобот стандартлари асосида ахборотни нашр этишни назарда тутиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	С.Худайбердиев Т.Матчанов
II. Суғурта бозорини ривожлантириш соҳасида				
7.	Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини 2030 йилгача ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил апрель	У.Хасанов Т.Матчанов
8.	Суғурта маълумотлари қамровини кенгайтириш, тартибга солиш функцияларини амалга ошириш учун маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини ошириш, суғурта бозори шаффофлигини таъминлаш ва Ягона суғурта биллинг тизимини жорий қилишга қаратилган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини янада такомиллаштириш.	Ташкилий-амалий чора-тадбирлар	2026 йил июнь	У.Хасанов Т.Салиев
9.	Суғурта шартномаси шартларига қўйиладиган энг кам талабларни белгилашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	У.Хасанов Т.Матчанов
III. Кripto-активлар айланмасини ривожлантириш соҳасида				
10.	Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш: – майнингга ихтисослашган махсус зона ташкил этиш; – махсус зонада майнинг учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга рухсат этиш; – махсус зонадан майнинг учун ягона электр энергетика тизимига уланган ҳолда электр энергиясидан фойдаланилган тақдирда махсус тарифлар қўллаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	С.Хван Т.Матчанов

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
11.	Тўлов воситаси сифатида барқарор токенлар айланмасини тартибга солишнинг махсус ҳуқуқий режими жорий этиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	А.Закиров Т.Матчанов
12.	Токенлаштирилган акция ва облигацияларни чиқариш қилиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини ишга тушириш. Фонд биржаларида токенлаштирилган акция ва облигацияларни жойлаштириш ҳамда уларнинг муомалада бўлиши учун алоҳида савдо майдончаси ташкил этиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	А.Закиров С.Худайбердиев Т.Матчанов
IV. Лотерея, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолияти соҳасида				
13.	Таваккалчиликка асосланган ўйинларни ва букмекерлик фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус зоналарни ташкил этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	А.Закиров Т.Матчанов
14.	“Ставкалар ва ўйинчиларнинг ягона давлат регистр” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил март	А.Закиров Т.Матчанов
V. Электрон тижоратни ривожлантириш соҳасида				
15.	Хорижий электрон савдо платформалари томонидан қушилган қиймат солиғи тўланиши таъминланишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	К.Мухаммадиев Т.Матчанов
VI. Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш соҳасида				
16.	Сунъий интеллект технологияларини жорий этишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва техник топшириқларнинг лойиҳаларини келишиш жараёнларини тартибга солувчи қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашини таъминлаш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	Т.Салиев Т.Матчанов
17.	Крипто-активлар айланмаси, электрон тижорат, суғурта ва қимматли қоғозлар соҳасига ҳамда маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари (блокчейн) асосида фаолият кўрсатувчи ахборот тизимларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш жараёнларини тартибга солувчи идоравий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	Т.Салиев Т.Матчанов

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
VII. Глобал электрон платформалар билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида				
18.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 декабрдаги “Ахборот ва рақамли технологиялар соҳаларида давлат назорати тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-371-сон қарори билан белгиланган глобал электрон платформалар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда белгилаш.	Ташкилий-амалий чора-тадбирлар	2026 йил январь	К.Мухаммадиев Я.Абдуллаев
19.	Глобал электрон платформада эълон қилинган ахборот ресурси ёки материалларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжудлигини аниқлаш борасида ўрганишни ва тизимли назоратни амалга оширишни ҳамда мазкур маълумотлар аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи Реестрига киритиш чораларини кўришни назарда тутувчи глобал электрон платформани мониторинги тартибини ишлаб чиқиш.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил март	К.Мухаммадиев Я.Абдуллаев Т.Матчанов

Ташкилий-назорат бўлими бошлиғи

Д. Менглиев

Келишилган:

Агентлик директорининг биринчи ўринбосари

В. Пак

Агентлик директорининг ўринбосари

О. Файзиев